



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 334-343 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ НАТИЖАЛАРИНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ



Рузиева Дилафруз Фахридиновна  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси  
E-mail: [dlafruzfaxridinovna87@mail.ru](mailto:dlafruzfaxridinovna87@mail.ru)

**Аннотация:** Мақола қишлоқ хўжалик корхоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўла ва нобудгарчиликсиз сақлашда – инвентаризациянинг роли ва хусусияти асосланиб, “Ҳисоб сиёсати”га инвентаризация ўтказиш ва уни режасини киритиш, бухгалтерия ҳизмати раҳбарининг инвентаризацияни вақтида ўтказилишига масъулатини белгилаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативларини инвентаризация натижаларига қараб қўллашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсилар берилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, тайёр маҳсулот, ҳисоб сиёсати, инвентаризация, инвентаризация режаси, инвентаризация натижаси, бухгалтерия счетлари.

**Аннотация.** В статье уделяется внимание вопросам без потерь и полноценного хранения сельскохозяйственной продукции в сельскохозяйственных предприятиях - исходя из роли и характера инвентаризации, введения инвентаризации и ее плана в «Учетную политику», определения ответственности руководителя бухгалтерской службы по своевременному проведению инвентаризации, а также даются предложения и рекомендации по совершенствованию применения норм естественной убыли сельскохозяйственной продукции по результатам инвентаризации.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, сельскохозяйственная продукция, готовая продукция, учетная политика, инвентаризация, план инвентаризации, результаты инвентаризации, бухгалтерские счета.

**Abstract.** The article focuses on the complete and safe storage of agricultural products in agricultural enterprises - based on the role and nature of the inventory, the introduction of the inventory and its plan into the "Accounting Policy", the determination of the responsibility of the head of the accounting service for the timely completion of the inventory, and the improvement of the application of the norms of natural loss of agricultural products based on the results of the inventory suggestions and recommendations are given.

**Key words:** agriculture, agricultural product, finished product, accounting policy, inventory, inventory plan, inventory result, accounting charts.

## Кириш.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш, янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очик танлов асосида ажратиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш”<sup>1</sup> ҳамда “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали дехқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, аграр соҳада юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда 1 миллиард АҚШ доллари ажратиш, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 2023 йилда даромадни камида 25 фоизга ошириш”<sup>2</sup> вазифалари белгиланган.

Ушбу вазифаларни бажариш учун республикамиз қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғишишириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида нобудгарчилигини олдини олиш, тўла сақланишини таъминлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари иқтисодий салоҳиятини яхшилаш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш жараёнида нобудгарчилигини олдини олиш, тўла сақланишини таъминлашда, маҳсулотлар инвентаризациясини ўз вақтида сифатли ўtkазиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш жараёнида уларнинг табиий йўқотишини тўғри ҳисоблаш ва табиий йўқотиш нормативларини қўлланилиши уларнинг хусусияти ҳисобланади.

Таҳлиллар, корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари инвентаризациясини ўтказишида табиий йўқотиш нормативларини қўлланилиши, инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисобида расмийлаштиришнинг ташкилий-услубий жиҳатларни такомиллаштириш муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to’g’risida” PF-60-son [Farmoni](#). Lex.uz

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 28 fevraldagagi “2022 – 2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasini «Insonga e’tibor va sifatli ta’lim yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to’g’risida”gi PF-27-son Farmoni. Lex.uz

## Адабиётлар шарҳи ва методлар.

Инвентаризация - бу хўжалик активлари ва мажбуриятларини ҳақиқатда мавжудлигини ҳисоб маълумотлари билан таққослаш жараёнига айтилади. Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усулининг элементларидан биридир. “Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тӯғрилиги ҳамда ишончлилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация обьектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади”<sup>3</sup>.

Инвентаризациянинг асосий максадлари мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш. Инвентаризация ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган (02.11.1999й.N 833), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (19.10.1999й. №эг/17-19-2075) 19-сон Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»<sup>4</sup> билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида 19-БХМСга кўра, ҳисобот йилида ўтказиладиган инвентаризациялар сони, уларни ўтказиш санаси, уларнинг ҳар бирида текширилаладиган мулклар ва мажбуриятлар рўйхати кўрсатилган инвентаризация режаси тузилади. Қишлоқ хўжалиги тайёр маҳсулотлари режага асосан йилига ҳар чоракда, камида тўрт марта инвентаризациядан ўтказилади.

Иқтисодий терминларнинг манбаларда “тайёр маҳсулот (инглизча: finished product)га турлича таърифлар берилган, жумладан, иқтисодий терминлар луғатида “Тайёр маҳсулот бу қонун билан белгиланган, техник ва сифат кўрсаткичлари шартнома шартларига ёки бошқа хужжатлар талабларига жавоб берадиган, сотиш учун мўлжалланган товар-моддий заҳираларнинг бир қисми (ишлиб чиқариш циклиниң яқуний натижаси, қайта ишлаш (танлаш) билан якунланган активлар)”<sup>5</sup> деб таъриф берилган.

Иқтисодчи-олимлар Н.П.Кондрakov<sup>6</sup> ва Т.Д.Бурсулая<sup>7</sup>лар тайёр маҳсулотларга қўйидагича таърифлайди: “Тайёр маҳсулотлар - булар тўлиқ қайта ишланган, амалдаги стандартларга ёки техник шартларга мос келадиган, ташкилот ёки буюртмачи (харидор) омборида қабул қилинган буюмлар ва яrim тайёр маҳсулотлар”. Ушбу таърифда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатида қаралганда, тайёр маҳсулот ҳисобланган барча қишлоқ хўжалик тайёр маҳсулотлари тўлиқ қайта ишланган ҳисобланмайди, улар бошқа ишилаб чиқариш босқичида қайта ишланиши эътибордан четда қолган.

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasining Qonuni, Buxgalteriya hisobi to'g'risida (yangi tahriri). 13.04.2016 yildagi O'RQ-404-son.<https://lex.uz/docs/2931253>

<sup>4</sup> O'zbekiston Respublikasi Buxgalteriya Hisobining Milliy Standard “Inventarizatsiyani tashkil etish va o'tkazish”. (19-sonli BHMS). O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 1999 yil 2 noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 833.<https://lex.uz/ru/docs/812952>

<sup>5</sup> Экономические термины.<https://neftegaz.ru/tech-library/economy/147119-gotovaya-produktsiya/>.[https://ru.wikipedia.org/wiki/Готовая\\_продукция](https://ru.wikipedia.org/wiki/Готовая_продукция)

<sup>6</sup> Кондраков Н.П. Самоучитель по бухгалтерскому учету.-7-е изд., перераб. и доп.– М.: Проспект, 2021.-6328

<sup>7</sup> Бурсулая Т.Д. Учет выпуска готовой продукции. <https://www.audit-it.ru/articles/account/assets/a11/1017103.html>

К.Б.Уразов ва М.Э.Пўлатовлар қайд этишича “Тайёр маҳсулот деганда, ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, ортиқ қайта ишловни талаб қилмайдиган, ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб берадиган ва омборхоналарга қабул қилинган тайёр буюмлар тушунилади”<sup>8</sup>. Ушбу таърифда муаллифлар томонидан, бир ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар, кейинги ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида иштирок этиши ҳисобга олинмай қолган.

Ф.Ғуломова ёзишича эса, “Тайёр маҳсулот - бу муайян корхонада ишлов берилиши тўлиқ тугалланган, стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, техника назорати бўлими томонидан қабул қилинган ва тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулот”<sup>9</sup> [3.33б.]. Бу ерда ҳам муаллиф томонидан юқорида қайд этган фикрларга эътибор қаратилмаган.

Юқоридаги таҳлиллардан қўриниб турибдики, “тайёр маҳсулот - бирон бир ишлаб чиқариш жараёнидан олинган, шу жараёнда ишлов бериш якунланган, стандарт талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, харидорга ёки кейинги ишлов беришга жўнатилган ёки омборга топширилган буюм ёки ярим тайёр маҳсулот” ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва ҳисобдан чиқариш жараёни бухгалтерия ҳисобининг муҳим участкаларидан бири бўлиб, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилиши ва юритилиши тайёр маҳсулотларни тўлиқ даромадга олиш, нобудгарчилик-ларни олдини олиш, мақсадга мувофиқ сарфланишини таъминлайди.

### **Материал ва методлар.**

Қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид республикамизда қабул қилинган меъёрий-хуқуқий хужжатлар, соҳа иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарига бириктирилган ер майдони, шу жумладан экин майдони, қишлоқ хўжалиги экинларинг ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги, қишлоқ хўжалиги ялпи ҳосилини акс эттирувчи статистик маълумотлар ҳамда илмий тадқиқот натижаларининг материалларидан фойдаланилди.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида илмий-тадқиқот ишларини бажаришда қўлланиладиган кузатиш, гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил қилиш ва бошқа илмий-тадқиқот усуllардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган субъектларнинг хуқуқий, ташкилий ва иқтисодий муносабатларнинг мунтазам равищда такомиллаштириб борилишини натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили, ўсиш суръатлари йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрсатмоқда (1-жадвал).

<sup>8</sup> Уразов К.Б. ва Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.Т.:“Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. –б 328

<sup>9</sup> Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувчилар учун қўлланма. 2-қайта ишланган ва кўшимишчалар кириталган напр. -Т.: «NORMA» МЧЖ, 2009. –б.33

**1-жадвал**

**Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг  
2019-2023 йилларда ўсиш суръатлари<sup>10</sup>**

(ўтган йилга нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
<b>Жами - барча тоифадаги хўжаликлар</b>	103,3	102,7	103,9	103,6	104,1
шу жумладан: фермер хўжаликлари	110,5	105,6	106,2	105,0	107,8
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	99,2	100,5	101,5	101,1	101,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	140,4	121,5	126,2	126,7	126,4
<b>Дехқончилик маҳсулотлари - барча тоифадаги хўжаликлар</b>	104,8	103,2	104,3	103,8	104,9
шу жумладан: фермер хўжаликлари	110,2	106,2	105,5	103,6	107,8
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	97,6	96,4	99,5	100,6	98,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	159,6	147,5	129,1	123,9	127,9
<b>Чорвачилик маҳсулотлари - барча тоифадаги хўжаликлар</b>	101,6	102,1	103,5	103,3	103,3
шу жумладан: фермер хўжаликлари	113,8	99,4	113,5	118,3	107,2
дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	100,2	102,7	102,4	101,3	102,3
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	123,5	91,5	121,0	132,1	124,0

2019 йилда 216,3 триллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 282,6 триллион сўмни ташкил этиб, жорий баҳоларда 2023 йилда 2019 йилга нисбатан 76,3 триллион сўм ёки % ортиқ маҳсулот етиштирилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида етиририладиган маҳсулотлар бир қисми ишлаб чиқаришдан олингандан харидорларга сотилади, бир қисми корхонанинг ўзида сотишдан олдин ишлов берилиб, сўнgra сотилади ёки қайта ишланади, бир қисми корхонанинг омборида сақланади. Корхона омборида сақланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маълум муддатдан сўнг сотилади ёки ўз эҳтиёжи учун ишлатилади. Корхонанинг "Хисоб сиёсати"га асосан корхона омборида сақланадиган маҳсулотлар, инвентаризация режасига асосан инвентаризациядан ўтказилади. Бундан ташкари, куийдаги ҳолатларда режадан ташкари инвентаризация ўтказилади:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кайта баколанганда;

<sup>10</sup> <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/agriculture-2>

моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш — топшириш кунида);

үғирлик ёки суиистеъмоллик, шунингдек, кийматликларни бузилиши фактлари аникланганда;

табиий офатлар ёки форс-мажор юзага келган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;

корхона омбори тутатилганда (қайта ташкил этилганда).

Асосан омборда сақланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (дон, сабзавот, полиз, мева ва ҳ.к.лар)ни инвентаризациядан ўтказишида, макроиқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан хусусияти шундан иборатки, уларни сақлаш даври учун табиий йўқотиши меъёrlари белгиланган бўлиб, инвентаризация натижасида камомад аниқланса табиий йўқотиши нормативи қўлланилади. Агар инвентаризация натижасида маҳсулотларни ортиқлиги ёки тенглиги аниқланса табиий йўқотиши нормативлари қўлланилмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг табиий йўқотиши нормативлари тармоқ вазирликлари ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг Республика бошқарув органлари томонидан белгиланади. Агар хўжалик юритувчи субъектда мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг табиий йўқотиши нормативлари тармоқ вазирликлари ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг Республика бошқарув органлари томонидан белгиланмаган бўлса, субъектнинг ўзи томонидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун табиий йўқотиши нормативлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2016 йил 24-августдаги “Хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортда ташиш ва сотища табиий йўқотиши нормативларини тасдиқлаш ҳақида” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2824) буйруғи билан тасдиқланган. Хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортда ташиш ва сотища табиий йўқотиши нормативлари маҳсулотларни сақлаш, транспортда ташиш ва сотиши учун алоҳида ҳамда маҳсулотлар омборда 20 кунгача сақланганда ва 20 кундан ортиқ сақланганда, шунингдек сақланиш шакли (уюм ҳолатидами, хандакдами) ҳамда омборни тури бўйича алоҳида ойма-ой нормативлар белгиланади. Агар омборда сақланган маҳсулотлар инвентаризацияси даврида, маҳсулотлар қабул қилинган кунни ва инвентаризация ўтказилган кунни ҳисобга олган ҳолда табиий йўқотиши нормативлари қўлланилади.

Хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни узоқ (20 кундан ортиқ) муддат сақлашда табиий йўқотиши нормативлари қуидагича белгиланган (2-жадвал).

Масалан, хўжалик юритувчи субъектда 2023 йил 15-сентябрда 55000 килограмм олма, совутиладиган омборга сақлаш учун берилган. Ушбу омборда 15-октябр куни, яъни бир ойдан кейин режага асосан инвентаризация ўтказилган ва 54000 килограмм олма мавжудлиги аниқланган. Табиий йўқотиши нормативи, камомад

чиққанлиги учун қўлланилади. 2-жадвалга асосан сентябр ойи учун табиий йўқотиш нормативи 1,2 фоиз, октябр ойи учун 0,8 фоиз. Сентябр ойида 15 кун бўлганлиги учун:  $1,2:30 \times 15 = 0,6$  фоиз, октябр ойи учун:  $0,8:30 \times 15 = 0,4$  фоиз бўлади.

Сентябр ойи учун табиий йўқотиш нормативига асосан камомад:

$$55000 : 100 \times 0,6 = 330 \text{ килограмм.}$$

Октябр ойи учун табиий йўқотиш нормативига асосан камомад:

$$(55000 - 330) : 100 \times 0,4 = 219 \text{ килограмм.}$$

Табиий йўқотиш нормативига асосан кам чиққан олма миқдори-549 килограмм. Инвентаризация натижасида аниқланган омбордаги олма 54000 килограмм, яъни 10000 килограммга кам. Инвентаризация натижаси инвентаризация далолатномасида қуидагича расмийлаштирилади:

асосан – 549 килограмм, моддий жавобгар шахс жавобгарлигига – 451 килограмм. Бунда, 1 килограмм олманинг таннархи – 3900 сўм бўлган бўлса, инвентаризация натижаси бухгалтерия счетларида қуидагича акс эттирилади.

1. Инвентаризация жараёнида аниқланган олма камомади ҳақиқий танархда ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти – 3900 минг сўм;

кредит 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” счёти – 3900 минг сўм.

2. Табиий йўқотиш нормативига асосан кам чиққан олма қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти - 1592 минг сўм.

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти – 1592 минг сўм.

3. Моддий жавобгар шахс айбдор деб тан олинган камомад суммасига:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти - айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан олманинг бозор қийматига (1 килограмм олма бозор баҳоси-3000 сўм) – 1353 минг сўм;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти – кам чиққан олманинг ҳақиқий таннархига – 1308 минг сўм;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти – айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан олманинг бозор қиймати ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқига – 45,1 минг сўм.

4. Моддий жавобгар шахсдан камомад суммасини ундириш бухгалтерия ҳисобида қуидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счёtlар (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) ёки меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счёtlар (6700) ёки бошқа активларни ҳисобга олувчи счёtlар – 1353 минг сўм;

кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти – 1353 минг сўм.

## 2-жадвал

### Ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни узоқ (20 кундан ортиқ) муддат сақлашда табиий йўқотиш нормативлари<sup>11</sup>

Маҳсулот номи	Омбор тури	Табиий йўқотиш нормативтиви, %											
		сентябр	октябр	ноябр	декабр	январь	феврал	март	апрель	май	июнь	июль	август
Олма: кузги навлари	Совутиладиган	1,2	0,8	0,6	0,5	0,5	0,4	-	-	-	-	-	-
	Совутилмайдиган	2,0	1,2	1,2	1,0	1,0	-	-	-	-	-	-	-
Олма: кишки навлари	Совутиладиган	1,0	0,4	0,3	0,3	0,25	0,25	0,3	0,3	0,5	0,5	-	-
	Совутилмайдиган	1,8	0,8	0,6	0,5	0,5	0,5	0,5	-	-	-	-	-
Нок	Совутиладиган	1,0	0,8	0,6	0,6	0,5	0,4	0,4	0,4	0,5	-	-	-
	Совутилмайдиган	2,0	1,6	1,4	0,7	0,6	0,6	0,6	-	-	-	-	-
Узум	Совутиладиган	0,8	0,7	0,7	0,6	0,4	0,4	0,4	-	-	-	-	-
Картошка	Совутиладиган	1,6	1,0	0,9	0,9	0,7	0,7	0,8	0,9	1,0	1,2	1,2	-
	Совутилмайдиган	1,8	1,6	0,9	0,9	0,7	0,7	0,8	1,0	1,4	2,2	-	-
	Уюмларда, хандакларда	-	1,0	1,0	0,5	0,4	0,4	0,7	1,0	1,5	-	-	-
Ош лавлаги, турп, дайкон, брюква, хрен, кольрабий, пастернак	Совутиладиган	1,6	1,1	1,0	0,7	0,6	0,7	1,0	1,1	1,1	1,2	-	-
	Совутилмайдиган	2,0	1,3	1,0	0,7	0,6	0,7	1,2	1,8	1,9	2,0	-	-
	Уюмларда, хандакларда	-	1,5	1,3	0,7	0,5	0,6	0,7	2,3	2,5	-	-	-
Сабзи, кашнич, сельдерей, шолғом	Совутиладиган	2,3	1,8	1,3	0,8	0,7	1,3	1,4	1,6	1,8	1,9	-	-
	Совутилмайдиган	2,5	2,2	1,3	0,8	0,7	1,3	1,6	2,3	2,5	-	-	-
Оқ бош карам, қизил карам, савой,	Совутилмайдиган	-	4,0	3,8	2,3	-	-	-	-	-	-	-	-

Маҳсулот номи	Омбор тури	Табиий йўқотиш нормативтиви, %											
		сентябр	октябр	ноябр	декабр	январь	феврал	март	апрель	май	июнь	июль	август
брюсель карами: ўртапишар навлар													
Пиёз	Совутиладиган	-	3,5	2,3	1,8	1,3	1,3	2,0	-	-	-	-	-
	Уюмларда, хандакларда	-	3,8	3,5	2,0	1,4	1,4	2,1	-	-	-	-	-
Саримсоқ	Совутиладиган	0,8	0,7	0,6	0,5	0,5	0,5	1,0	1,3	1,6	1,6	1,8	1,8
	Совутилмайдиган	2,0	1,5	3,1	0,7	0,6	0,7	1,1	1,6	2,0	-	-	3,0
Ошқовоқ	Совутиладиган	1,9	1,7	1,2	1,0	1,0	1,0	1,6	1,0	1,7	1,7	1,7	2,0
	Совутилмайдиган	3,2	2,1	1,5	1,1	1,1	1,2	2,0	2,5	-	-	-	-
	Уюмларда, хандакларда	1,5	1,2	0,7	0,5	0,3	-	-	-	-	-	-	-

<sup>11</sup> <https://lex.uz/docs/3027262>

Инвентаризация натижалари бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида Низом”<sup>12</sup>га асосан тартибга солинади.

Ушбу Низомнинг олтинчи параграфи 26 пунктида кам чиқсан товар-материал захиралари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиқсан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматидан паст бўлса, кўрилган зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига олиб борилиши белгилаб қўйилган.

Шу параграфнинг 28 пунктида “товар-материал захиралари ортиқча чиқиш аниқланган санадаги бозор қиймати бўйича баҳоланади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

- дебет товар-материал захираларини ҳисобга олувчи счёtlар (1000-2900);
- кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёti” деб белгилаб қўйилган.

**Хуноса.** Қишлоқ хўжалик корхоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўла ва нобудгарчиликсиз сақлашда – бухгалтерия ҳисоби фани методларининг бир элементи бўлган – инвентаризациянинг роли каттадир. Шунинг учун, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг “Ҳисоб сиёсати” инвентаризация ўтказиш ва уни режасини киритиш, бухгалтерия ҳизмати раҳбарининг жавобгарлигини белгилаб, вақтида ўтказилишини таъминлаб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг олтинчи параграфи 26 ва 28 пунктида белгилангандек эмас, балки кам чиқсан моддий қийматликларни табиий йўқотиш нормалари бўйича ёки жавобгар шахсни аниқлаш имкони бўлмаганда ҳамда ортиқ чиқсан моддий қийматликларни ҳақиқий таннархда даромадга олишни таклиф қиласиз.

Ушбу таклифимиз бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг хақаро стандартларига мос келади ва ҳисоб ахборотларини объективлигини таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O’zbekiston Respublikasining Qonuni, Buxgalteriya hisobi to’g’risida (yangi tahriri). 13.04.2016 yildagi O’RQ-404-son.<https://lex.uz/docs/2931253>
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to’g’risida” PF-60-son Farmoni. Lex.uz
3. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 28 fevraldagagi “2022 – 2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasini «Insonga e’tibor va sifatli ta’lim yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to’g’risida”gi PF-27-son Farmoni. Lex.uz
4. O’zbekiston Respublikasi Buxgalteriya Hisobining Milliy Standard “Inventarizatsiyani tashkil yetish va o’tkazish”. (19-sonli BHMS). O’zbekiston

<sup>12</sup> <https://lex.uz/docs/821956>

Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 1999 yil 2 noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 833.<https://lex.uz/ru/docs/812952>

5. Кондраков Н.П.Самоучител по бухгалтерскому учету.-7-е изд., перераб. и доп.– М.: Проспект, 2021.-608 с.
6. Бурсулая Т.Д. Учет выпуска готовой продукции. <https://www.audit-it.ru/artisles/account/accsets/a11/1017103.html>.
7. G'ulomova F.F. Buxgalteriya hisobini mustaqil o'r ganuvchilar uchun qo'llanma. 2-qayta ishlangan va ko'shimchalar kiritalgan nashr. -T.: «NORMA» MChJ, 2009. 496-6.
8. Кондраков Н. П. Самоучител по бухгалтерскому учету.-7-е изд., перераб. и доп. – М.: Проспект, 2021. 608 с.
9. Уразов К.Б. ва Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 558 б.
10. Юлдашева Н.Т. Тайёр маҳсулот сотилиши ҳисобини янада тақомиллаштириш йўллари. Таълим фидойилари. Электрон журнал. ISSN: 2180-2130. Vol.1, ISSNE 1 MAY(2022) Май 2022.
11. Экономические термины. <https://neftegaz.ru/tech-library/yeconomy/> 147119-gotovaya-produktsiya/).[https://ru.wikipedia.org/wiki/Gotovaya\\_prodkutsiya](https://ru.wikipedia.org/wiki/Gotovaya_prodkutsiya).
12. <https://lex.uz/docs/3027262>
13. <https://lex.uz/docs/821956>
14. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/agriculture-2>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

